



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

“Тарих” кафедраси

КУРС ИШИ

**МАВЗУ: Тўркистонда жади́дчи́лик ҳарака́ти. жади́дларнинг
давлaтчи́лик ғоялари.**

2013-2014 ўқув йили



Бажарди: 3 курс “305” гуруҳ талабаси Хайриддинов И.

Текширди: т.ф.н. Н. Расулова

Тошкент-2014

Мундарижа

Кириш.....	3
§1. XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий маданий ҳаёт	5
§2. Туркистон жадидиларининг миллий давлатчилик ғоялари ва мафкураси ўлка халқлари ҳаётида тутган ўрни.....	9
§3. Туркистон жадидиларининг миллий театрини ташкил этишда ўлкага олиб кирган мафкуравий жараёнлари. Миллий мактабнинг шакилланиши.....	13
§4. Туркистон халқларининг давлатчилик учун кураши. Туркистон мухторияти.....	17
Хулоса.....	23
Адабиётлар ва манбалар рўйхати.....	25

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ватанимиз тарихи жуда қадимий бўлиб, ўз тарихий ривожланиш жараёнида то ҳозирги кунларга етиб келгунига қадар халқимиз ўз бошидан ҳам қувончли, ҳам қайғули кунларни ўтказди. Мустақилликни қўлга киритиб, фаровон кунларга эришгунимизгача жуда кўп кушдик. Ушбу курш ишимнинг мавзуси Туркистонда жадиДСилик ҳаракати жадиДларнинг давлатчилиК ғоялари деБ номланиб ватан эрки, мустақиллиги, халқ фаровонлиги учун курашган маърифатпарвар, адолатпарвар ҳақиқий халқ ўғлонлари бўлган жадиДлар ҳаракатини ёритиб беради. Президентимизнинг шундай сўзлари бор: “Асримиз бошларида жадиДларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутибхоналар, кироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этканликларини, уларни Туркистон болаларига беПул тарқатганликларини эслайлик”

Мавзунинг мақсад ва вазифалари. Курс ишини бижаришда “туркистонда жадиДчилиК ҳаракати. жадиДларнинг давлатчилиК ғоялари”нинг моҳиятини очиб бериш асосий мақсад этиб белгиланган. Мавзу мақсадидан келиб чиқиб, кур ишини бажариш учун қуйдагилар асосий вазифалар этиб белгиланади:

1. XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-маданий ҳаёт жараёнлари ҳақида маълумот бериш;
2. Туркистон жадиДларининг миллий давлатчилиК ғоялари ва мафкураси ўлка халқлари ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикр мулохаза юритиш;
3. Туркистон жадиДларининг миллий театрини ташкил этишда ўлкага олиб кирган мафкуравий жараёнлари. Миллий мактабнинг шаклланиши ҳақида маълумот бериш;
4. Туркистон халқларининг давлатчилиК учун кураши. Туркистон мухторияти ҳақида маълумот бериш.

Курс иши мавзусининг ўрганилиш даражаси. Туркистонда жадиДчилиК ҳаракати ватанимиз тарихининг муҳим воқеа жараёнларидан бўлиб, бу давр жуда кўп олим ва профессорларнинг этиборини ўзига жалб этган. ЖадиДчилиК ҳаракати моҳияти бир қанча мақола, китоб, илмий ишларда ўз

аксини топган. Жумладан, Б.Қосимов, О.Шарафиддинов, А.Ахмедов, А.Алиев, Х.Зиёев, Н.Каримов, Ш.Турдиев, М.Содиқов, Р.Шамсиддинов¹, Қ.Ражабов,² Д.Алимова,³ Н.Жўраев, Ш. Каримовлар⁴ каби олимларнинг қатор асар ва мақолаларида “Ўзбекистоннинг янги тарихи” биринчи китоб, “Туркистон Чор Россияси мустақиллиги даврида” Т. “Шарқ” 2000й. Ахмедов С. Ражабов Қ. “Жадидчилик”, Р. Шамсиддинов. Ш.Каримовларнинг “Ватан тарихи” 2-китоб каби тадқиқот маҳсулларида ўз аксини топган.

Мавзунинг илмий-амалий аҳамияти. Ушбу мавзунинг илмий амалий аҳамияти шундан иборатки, бундан педагог кадрлар ўз фаолияти давомида, мазкур мавзуни ўқитиш жараёнида фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Коллеж ўқитувчилари ва олий таълим талабалари ҳам бу курс ишидан жадидлар фаолиятига оид маълумотларни ўрганишда асосий манба сифатида фойдаланишлари мумкин. Мумкиин қадар батафсил, барча учун тушунарли тарзда воқеалар жараёнини ёритишга ҳаракат қилдим.

¹Шамсиддинов Р “Ўзбекистон тарихидан материаллар” (3-китоб) Андижон 2004й; “Ватан тарихи” 3-том Т.: 2013й

²Ражабов Қахрамон “Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш” Т манавият 2002й

³Алимова Д А. “Ўзбекистон тарихи” Т 2004й

⁴ЖўраевН, Каримов Ш. “Ўзбекистон тарихи” Т 2011й

§1 XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий маданий ҳаёт.

Тарихдан маълумки, ҳар қандай мустамлакачи давлат ўзи босиб олган, худуддан қандайдир фойда олишни кўзлайди. Чор Россияси ҳам Туркистонни босиб олгач бу ерда қаттиққўллик билан мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. Ерли аҳоли шавқатсиз эксплуатация қилинди. Чор Россияси Туркистонда фойда келитириши мумкин бўлган ҳар қандай бойликни талашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Ўлкадаги ҳар қандай фаолият фақат Чор Россияси манфаатлари учун йўналтирилди.

Туркистон ҳом-ашиё етказиб берувчи баъзага айлантирилди ва бу ердан пахтани ташиб кета бошладилар. Умуман олганда 1880-1917 йилларда Туркистон ўлкасидан Россияга жами бўлиб, 25,8 миллион пут пахта толаси олиб келтирилган.⁵

Чор Россияси Туркистонда фақат ҳом ашиё баъзаси сифатида қаради ва шу боисдан бу ерда оғир саноат корхоналари қурилмади. Фақатгина тез фойда берадиган, кичик-кичик енгил ҳунармандчилик корхоналари қурилди. Бу ерда бунёд этилган саноат корхоналари асосан пахта тозалашга йўналтирилган. 1914 йилда ўлкадаги пахта тозалаш заводларининг сони 254 та эди.⁶ Умуман олганда Туркистон ўлкасидаги саноат тармоқлари Чор Россиясининг фойдаси учун хизмат қилувчи тармоқ эди. Бу ерда фақат кишлоқ, хўжалик маҳсулотларини бирламчи ишлаб берувчи ва ер ости қазилма бойликларини қазиб олиш ишлари амалга оширилар эди. Ўлқадан пахта толаси, нефт, кўмир, пахта ёғи, каби маҳсулотлар ташиб кетилар эди.

Шу билан бир қаторда ҳалқ даромадлари пасайиб борар эди. Чунки саноат маҳсулотлари учун жуда кам ҳақ тўладилар.

Ўлкада пахта ва ипак маҳсулотлари ташиб кетилиб, Россияда тайёр газлама ҳолатига келтирилган. Бу газламаларнинг Туркистон ўлкасига кўплаб миқдорда олиб келиниши маҳаллий ҳунармандчиликнинг таназзулга

⁵ШамсиддиновР. Каримов Ш. Убайдуллаев Ў. “Ватан тарихи” 2-китоб. Т. Шарқ 2010й. 260б.

⁶Ўша манба.

юз тутишига олиб келди. Тўқимачилик ва бўёқчилик билан шуғулланувчи хунармандларнинг маҳсулотлари бозордан сиқиб чиқарила бошланди. Бунинг натижасида аҳолининг турмуш тарзи янада оғирлашди.

Россия ҳукумати Туркистон ўлкасидаги маориф масаласига жуда кам миқдорда маблағ ажиратар эди. Бунинг натижасида мактабларнинг аҳволи жуда оғирлашиб кетган эди.

Туркистон худудида очилган рус-тузем мактабларида фақат русча ўқитилар эди. Бундай мактаблар очилмаган жойларда ҳам мадраса ва масжидларда илм беришга рухсат берилмаган. Агар исломий мактаб ва мадрасалар русча ўқитиш шарти билан рус мамурияти рухсати билан очилган тақдирда ҳам бу мактабларни тамомлаганлар фақатгина диний вазифаларга тайинланиши мумкин бўлган, идора ишларида фаолият юритишга рухсат берилмаган.

1891 йилда Россияда юз берган очарчиликдан сўнг Туркистонда жуда кўп рус оилалари кўчириб келтирилди. Уларга маҳаллий аҳолига нисбатан тегишли бўлган ерлардан томорқалар ажиратиб берилди. Бунинг натижасида ўлкада ерсизлар сони кўпайди. 1910 йилда ерсиз деҳқон хўжаликлари 30 фоизи ташкил қилар эди.⁷

Чор ҳукумати маънавий-маданий соҳада ҳам ўзларининг таъсирини ўтказдилар. Халқ маорифи тизими қаттиқ назорат остига олинди ва мазмунан Чор Россияси мафкурасига бўйсундирилди. Русча тартиб қоидалар жорий қилинди. Энг ёмони ўлканинг ўз она тили эмас, рус тили давлат тилига айлантирилди. Бундан шуни билишимиз мумкинки Чор Россияси ўлка халқларининг миллий қадриятлари, анъана ва урф-одатларига ҳурматсизлик қилганлар ва уларни йўқотишга ҳаракат қилдилар. Ҳаттоки, Туркистон мусулмон диний этиқодига ҳам қарши борди. Мусулмонларнинг фарзи бўлган муқаддас ҳаж сафари Россия императорининг фармони билан 1900

⁷Шамсиддинов Р. Каримов Ш. Убайдуллаев Ў. “Ватан тарихи” 2-китоб. Т. Шарқ 2010 й. 261б.

йилдан бошлаб тақиқлаб қўйилди.⁸ Бундан кўриниб турибдики Чор Россияси ўлкада олиб борган сиёсати ҳеч қандай чегарага эга бўлмаган мустамлакачилик ҳаракатида эди.

Ўлкада маъданий соҳада ҳам орқада қолиш кузатиларди. Чунки, ўлка халқларининг маъданий эҳтиёжларини қондириш масалаларига сусткашлик билан қараб келинди. Бу соҳа учун бир кишига 1 йил давомида сарифланадиган маблағ 6 сўм миқдода бўлган.⁹

Туркистон ҳақларига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳам жуда паст ва ачинарли ахволда эди. 1913 йил бутун Туркистон ҳудудида 212 та тиббиёт ходими бўлган холос. Агар Фарғона водийсида ҳар 50 минг аҳолига биттадан тиббиёт ходими тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон ҳудудида янада ачинарли эди. Ҳар 250 минг кишига биттадан тиббиёт ходими тўғри келарди.¹⁰

Бу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, Чор ҳукумати Туркистон ўлкасидан фақат фойда олишни кўзлаган. Халққа ғамхўрлик қилиш, уларнинг турмуш шароити, соғлиги ҳақида қайғуриш иккинчи ва ҳатто, охирги даражали деб билганлар. Шу сабабли Туркистон аҳолиси энг қисқа умир кўрган ва бу ерда турли хилдаги юқумли касалликлар кенг тарқалган эиди.

Чор Россияси ҳкумати юргизган бундай адолатсиз ва зўрловга асосланган мустамлакачилик сиёсати натижасида ўлкада ғоятда кескин ижтимоий – сиёсий вазият вужудга келди. Бундан ташвишга тушган Чор ҳукумати аҳоли онига Россия давлатига нисбатан “ватанпарварлик” ғоячларини сингдиришга зўр бериб ҳаракат қилинди. Чор мамуриятига қарши қаратилган ҳар қанда ҳаракат эса шавқатсизлик ва зўравонлик билан бостирилиши тўғрисида бюруқ берилди.

⁸Шамсиддинов Р. Каримов Ш. Убайдуллаев Ў. “Ватан тарихи” 2-китоб. Т. Шарқ 2010й. 261б.

⁹Шу манба 269 б.

¹⁰Ўша манба.

Шундай қилиб, бўлиб ўтган жараёнлар оқибатида Чор Россиясига нисбатан норозилик кучайиб борди. Ўлканинг турли ҳудудларида ҳукуматга қарши ғалаёнлар тез-тез кўтарилиб турадиган бўлди. Бу курашларга эса миллий ўзликни аталган илғор фикирли шахслар бошчилик қилди. Халқ, манфаати йўлида, ватан эрки, миллий озод ватан қуриш учун қаратилган жадиличилик ҳаракати кенг қулоқ ёя бошлади.

§2 Туркистон жадидаларининг миллий давлатчилик ғоялари ва мафкураси ўлка халқлари ҳаётида тутган ўрни.

XIX аср охири ва XX бошларида Туркистон ижтимоий сиёсий ҳаётида жадиदчилик кенг қулоқ ёйиб ривожланди. Миллат тақдири ва келажаги ҳақида қайғурган зиёлилар халқни озодликка элтувчи йўл бу халқнинг марифатининг уйғотиш деб билдилар. Улар халқни марифатли қилмасдан туриб, мустақилликни қўлга киритиб бўлмайди деб ҳисоблаганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, муштамлақачилик зулми остида ҳаёт кечириётган, ҳар томонлама тараққиётдан орқада қолиб бораётган халқларни маърифатли қилиш ва уларнинг тараққиёт даражасини кўтаришга қаратилган ҳаракатлар бошланди.

Бутун туркий халқлар ўртасида ёйилган жадидчилик ҳаракатининг асосчиси қрим – татар маърифатпарвари Исмоил Ғаспирали бўлди. У мусулмон халқларининг мактаб ва мадарсаларида таълим олаётган ўқувчиларга диний таълим, араб, форс ва рус тиллари, тиббиёт, кимё таъбабат каби фанларни ўрганиши зарур деган ғояни илгари суради.

Исмоил Ғаспирали 1884 йилда Қримдаги Боқчасарой шаҳрида биринчи жадиди мактабига асос солди, у ўзи тузган таълим дастурлар асосида дарслик тайёрлади. Шу дастури асосида 40 кунди 12 ўқувчининг саводи чиқарилган. Бу усул “усули – савтия” – “ҳарф товуш усули” яъни “усули жадид” номи билан кенг тарқалди.¹¹

Бу мактабнинг очилиши Туркистон зиёлилари ҳаракатининг бошланиши эди. Исмоил Ғаспиралининг Самарқанд, Бухоро, Тошкент ҳудудларида бўлиб, бу ерлада олиб борган тушунтириш ва тарғибот ишлари натижасида бу ерларида ҳам янги усул мактаблари ташкил этила бошлади. Фозил домла, Мўминхўжа Вонқандий, Мулла Худойберди Бойсуний каби

¹¹Холов А, Заманов А, Бекмуродов Н. “Ўзбекистон тарихи фанидан мукаммал қўлланма” Т. “Давр пресс” 2010й. 185б.

Исмоил Ғаспратининг илк издошлари бўлиб, уларнинг сай ҳаракатлари билан Туркистон ҳудудида ҳам жаҳид мактаблари ташкил этилди.

Туркистонда вужудга келган жаҳидларнинг фаолияти фақатгина мактаблар очиш билан чекланмади. Улар халқнинг миллий ғоясининг ривожлантиришга катта эътибор бердилар. Чунки миллий ғоя халқ оммасини бир мақсад йўлида бирлаштиришида унинг озодлиги ва истиқлоли учун курашга ҳамда миллий давлат барпо этишга йўналтириладиган куч ҳисобланади. Жаҳидлар Туркистон халқлари учун йўл очиб, берувчи миллий ғояни шакллантиришга ҳаракат қилдилар, шу билан биргаликда Туркистонни ўрта асрга ҳос қолоқлик ва диний ҳурофотдан озод қилиш, халққа маърифат тарқатиш, озод ва фаровон жамият қуришда ўз олдларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Туркистон жаҳидлари дастлаб, ўлкада янги усул мактабларини кўпайтириш, қобилияти ёшларни ривожланган чет давлатларига ўқишга юбориш орқали уларнинг билиш салоҳиятини ва фикр доирасини кенгайтириш, турли маданий ва маърифий жамият ва ташкилотлар тузиш, газета ва журналлар чоп этиб, халқнинг ижтимоий – сиёсий онгини оширишга ҳаракат қилдилар.

Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Андижон, Қўқон каби шаҳарлар марказларига айланди. Бу шаҳарларда яширин тарзда ташкилотлар тузилиб, жаҳидчиликнинг ёйилиши учун ҳизмат қилган. Бу ташкилотлар “тарақиётпарварлар” , “падаркушчилар”, “ёш ўзбеклар” “ёш бухороликлар”, “ёш хиваликлар” номи билан машҳур эди. Бу ташкилотлар охир оқибатта сиёсий партиялар мақомини олди.¹² Бу ташкилотлар дастлаб яширин тарзда фаолият олиб борган. Секин асталик билан бу ташкилотларнинг аъзолари сони ортиб борган. Бу ташкилотлар ўлкада жаҳидчиликнинг кенг ёйилиши учун ҳизмат қилган.

Жаҳидчилик ғояларининг халқ орасида кенг ёйилишида оммавий, вақтли нашрларининг ҳам ўрни беқиёсдир. “Таржимон”, “Вақт”, “Юлдуз”,

¹²Шамсиддинов Р. Каримов Ш. Убайдуллаев Ў. “Ватан тарихи” 2-китоб. Т. Шарқ 2010й. 283б.

“Сироти Мустақим”, “Нажот”, “Кенгаш”, “Хуррият”, “Ҳақиқат”, “Турон”, каби бир қатор газета ва журналлар орқали жадиждларнинг ғоялари мазмуни ва рўй бераётган воқеалар ҳалқ, оммасига етказиб турилган.¹³

Жадиждлар ўз нашрларида жаҳонда ва Туркистоон ҳудудларида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳикоя қилиб берилган. Бу билан жаҳонда бўлаётган ривожланиш, илм-фан ва маданий ютуқлар ҳалққа етказиб берилган. Бундан ташқари ўз ғояларини мазмунини ва уларни кенг ёйиш керак эканлигини тушунтириб берганлар. Янги усул мактабларрининг афзаллик томонларини миллий кадрлар тайёрлаш ва ёш авлодни ўқитишдаги аҳамияти нақадар муҳим эканлигини кўрсатиб берган. Ўлкада ва ҳорижда юз бераётган савдо сотиқ, саноат ва қурилиш ҳўжалиги соҳаларидаги ютуқ ва ривожланишларнинг таққослаш ва қиёслаш таҳлиллари ёритилган мақоллар эълон қилинди. Бу билан Туркистон ўлкаиснинг жаҳон тараққиётдан орқада қолаётганлигини кўрсатишга ҳаракат қилганлар ва ҳалқни уйғонишга, тарққиёт сари интилишга ундаганлар.

Туркистон ҳалқининг бундай тараққиётдан орқада қолиб кетишининг асосий айбдорлари бўлган мустамлакачи ҳукуматнинг асл қиёфасини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдилар.

Маърифатпаварларнинг, ҳалқ оммаси орасида олиб бораётган тарғибот ва ташвиқот ишларининг янада кенг ёйилишида бу нашрларнинг роли жуда катта бўлди. Улар орқали жадиждларнинг ғоялари ҳалқнинг ҳар бир қатламига;- ҳунарманд, деҳқон, савдогар, мулкдор ва уламолар орасига ҳам кириб борди.

Жадиждлар одамларнинг миллий ва сиёсий онгини юксалтиришга қаратилган сай-ҳаракатлари ҳалқ оммасига катта таъсир ўтказди. Ҳалқ орасида саводхонлик ортди, маданий-маърифий соҳада юксалиш кузатилди. Ҳалқнинг миллий ғурур, озодлик, эрк учун қарашнинг кучайишида ҳам жадиждчилик ғояларининг ўрни катта бўлди.

¹³Шамсиддинов Р. Каримов Ш. Убайдуллаев Ў. “Ватан тарихи” 2-китоб. Т. Шарқ 2010й. 293-295б.

Хулоса қилиб айтганда, жадинлар илгари сурган ғоялари халқ ҳаёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган туртки вазифасини ўтади. Жадинчилик ҳаракати номоёндаларининг ўлкадаги асосий фаолиятлари маърифийпарварликдан бошланган бўлсада, уларнинг таъсири Туркистон халқларининг миллий озодлик ҳаракатларида муҳим ўрин тутди. Жадинлар миллий озодлик ғоявий раҳномолари сифатида майдонга чиқди.

§3 Туркистон жадидаларининг миллий театрини ташкил этишда ўлкага олиб кирган мафкуравий жараёнлари.

Миллий мактабнинг шаклланиши.

Ҳақиқатдан ҳам жадиदчилик намоёндаларининг Ватанимиз тарихида унинг маданий-маърифий тараққиётида, ҳалқимизнинг маънан уйғонишга тутган ўрни бекиёсдир. Жадидалар Ватан, ҳалқ, миллат учун озод ва фаровон давлат қуриш учун ўз жонларини ҳам аямай кураш олиб борганлар. Ўлкадаги миллатнинг дард аламларини аянчли оғир қисматини ўз қалби ва вужуди билан хис қилиб, ўзларининг бутун боғрилиғи, ақл – заковати ва ҳаётини эрк, озодлик, тараққиёт учун сафарбар этганлар.

Жадидчилик ҳаракати номоёндалари маърифатпарвар кишилар эди. Улар жаҳолат, билимсизлик, маданиятсизлик, мутаассиблик, диний ақидапарастликни инсон азоб уқубатларининг асл сабаблари дея талқин этдилар. Ватан мустақиллигини қўлга киритиш учун ҳалқ фаровонлигига эришиш учун энг аввало миллатни бундай иллатлардан фориғ қилиш зарур эди. Буни яхши англаган жадидалар аввало ҳалқнинг саводхонлигини оширишга, маданиятини юксалтиришга, миллий қадриятларни тиклашга буюк аجدодларимизни оммага танитиб, улар билан фахрланиш туйғусини уйғотишга, миллатни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашга ҳаракат қилганлар. Бунда Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдурауф Фитрат каби ҳақиқий ҳалқ фарзандининг ҳизматлари бекиёсдир. Улар ҳалққа яқинлашиш ва ўзларининг ғояларини тарғиб қилишнинг энг самарали усулларида фойдаланишга ҳаракат қилди. Энг аввало янги усул мактабларини очиб саводхонликни оширди. Бундан ташқари матбуот, адабиёт ва театр орқали ҳалқ орасига кириб бориб уларни ғафлатдан уйғотишга, маърифат уруғини сочишга киришдилар.

Хусусан, театр санъатини халқнинг кўзгуси ва тарбия ўчоғи деб билган жадидлар миллий театрни ташкил этишга катта эътибор берганлар, ҳамда ўзбекмиллий театрининг шаклланишида ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарларида “Қачонки миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган театр санъати хусусида сўз борар экан, буюк маърифатпарвар Махмудхўжа Бехбудийнинг “Театр - ибратхонадур” деб айтган фикрини эслаш ўринлидир.”¹⁴ –деб ёзади.

Туркистондаги биринчи ўзбек миллий театрнинг ташкил этилишида Махмудхўжа Бехбудий раҳбарлик қилади. Шу билан бирга Бехбудий биринчи ўзбек драммаси “Падаркуш” нинг ҳам муаллифидир. Самарқанд шаҳрида ташкил этилган биринчи ўзбек миллий театрида намойиш этилган илк асар айнан “Падаркуш” пьесаси эди.¹⁵

Бу асар жамоатчиликка қаттиқ таъсир кўрсатди. Сахнада яралган она тилидаги нутқ ва театр актёрларининг ҳаракатлари халқ оммасига нисбатан қудратли таъсир воситасига айланди. Илк ўзбек томошабинларининг саводсиз бўлганлиги сабабли, жадидлар қўйган пьесалар улар учун ахлоқий тарбиянинг дастлабки мактабларига айланди.

Бехбудийнинг “Падаркуш” пьесасида “ота ва фарзанд ўртасидаги шавқатсиз муносабатнинг сабабчиси бўлган маънавий қашшоқлар” мол –мулкка ружу қўйиш каби иллатлар қаттиқ қораланган эди. Муаллиф бу асарида халқимизга ёт бўлган одатларни кириб келиши, жамият учун муқаддас бўлган оиланинг емирилишига олиб келишини кўрсатиб берган.

Ўзбек миллий театрининг ташкилотчиларидан яна бири Мунаввар Қори Абдурашидхонов эди. У театрни барча иллатлар ва бузуқ одатларни кўрсатиб берувчи ҳамда тузатувчи деб билган.

¹⁴Каримов И. А. “Юксак маънавият - енгилмас куч” Т. Шарқ “Манавият” 2008 й. 96б.

¹⁵Ҳолов А, Заманов А, Бекмуродов Н. “Ўзбекистон тарихи фанидан мукамал қўлланма” Т. Давр пресс 2010й. 209б..

Мунаввар Қори 1913 йилдан ўз фаолиятини бошлаган “Турон” группасининг ташкилотчиларидан бўлди. 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги “Колизей” театри биносида ўзбек илмий театрининг биринчи очилиш маросими бўлди. Спектаклнинг биринчи пардасини очиш Мунаввар Қори Абдурашидхоновга топширилди: “Туркистон тилида хануз бир театр йўналмаганлиги барчангизга маълумдир. Шу сабабли бази кишиларимиз театрга эҳтимолки ўйинбозлик ёки машарабозлик кўзи билан боқурлар. Холбуки театрнинг асл маъноси “ибратхона” ёки “улағлар мактаби” деган сўздир. Театр сахнаси ҳар тарафи ойнабанд бир уйга ўхшайдурки, унга ҳар ким кирса, ўзининг ҳусун ва қалбини кўриб ибрат олур”¹⁶.

Мунаввар Қори Туркистондаги қолоқликнинг сабабларини нодонлик ва оламдан хабарсизлик деб белгилаган. Бу иллатларни бартараф этиш учун энг аввало халқ орасидаги бузуқ одатларнинг бузуқ эканлигини уларга билдирмоқ ва маърифат сари етакламоқ зарур дейди. Театрни айнан шу бузуқ одатларни халққа кўрсатиб берувчи муассаса деб билган. У инсоннинг маърифати уйғониб, ҳаётга теранлик билан қарамагунча ўзининг нақадар ботқоқликка ботганлигини билмайди, виждони уйғонмайди. Бундай инсон на ўзини ҳимоя қила олади ва на халқнинг эркинлигини, деб ҳисоблаган.

Жадидларнинг яна бир буюк намоёндаси Абдулла Авланий ҳам ўзбек миллий театрининг шакилланиши ва ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўшган. У 1913-йилда ташкил этилган профессионал “Турон” номли театр тўғарагининг ташкилотчиларидандир. Бу тўғарак кейинчалик Ҳамза томонидан ташкил этилган гуруҳ билан қўшилиб ҳозирги вақтда драма театри Ҳамза номидаги ҳозирги миллий давлат академик театрига асос бўлди.¹⁷

Бу театр Махмудхўжа Бехбудий , Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий кабиларнинг асарларини сахналаштирди. Халқнинг маданияти юксалиши учун ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. Театр томошабинлари

¹⁶Шамсиддинов Р. Каримов Ш. “Ватан тарихи” 2-китоб. Т. III. 2010й. 295б.

¹⁷Ўша манба 296б.

сахна асарларини томоша қилар экан миллат ҳаётидаги чиркин иллатлари ни англадилар, бу бузук одатлардан нафратландилар. Ҳалқ орасида адолатсизлик, ёвузлик, зулм, маърифатсизлик, жаҳолат каби чиркин иллатларга нисбатан нафрат, норозилик туйғуларини ўтказди.

1916 йилда Қўқон шаҳрида Ҳамза раҳбарлигида ҳаваскорлар театри ташкил этилди. Унда намойиш этилган биринчи спектакл ҳам Ҳамзанинг ижод маҳсули бўлган “Заҳарли ҳаёт ёхуд иш қурбонлари” пиессаси бўлди.¹⁸

Бу пиесса ўзбек театрининг ва драматургиясининг ривожини учун муҳим аҳамият касб этди. Бу асарда ҳақиқат, адолат, маърифат билан зўравонлик, адолатсизлик, илмсизлик каби иллатлар ўртасидаги кураш ифодаланади. Асар қаҳрамонлари Мариямхон ва Махмудхонлар маърифат, илм, адолат сари интиладилар. Жамиятнинг ўтакетган қабихликлари, ифлосгарчиликлари, разолат ва жаҳолат, илмсизлик ва маънавиятсизликдан азият чекадилар.

Шундай қилиб, жаҳидлар театрини ҳаёт мактаби, жамият кўзгуси деб билдилар. Ўзбек миллий театр мактабининг шаклланишидаги илк қадамларини қўйдилар. Театр сахналарида жамиятнинг ижтимоий ва ахлоқий муаммоларига дахлдор бўлган мавзулардаги асарлар намойиш этилди. Бунинг натижасида ҳалқ оқни қорадан ажратишни билди, ўз ҳаётида содир бўлаётган адолатсизлик, ёвузлик, зулм, илмсизлик, ғафлат каби иллатларга нисбатан эътироз норозилик, нафрат туйғуларини уйғотди.

¹⁸Ҳолов А, Заманов А, Бекмуродов Н. “Ўзбекистон тарихи фанидан мукамал қўлланма” Т. “Давр пресс” 2010й. 260б.

§4 . Туркистон халқларининг давлатчилик учун кураши.

Туркистон Мухторияти.

Туркистоннинг демократик рухдаги жадидлар Туркистонга мухторият берилиши, бошқарувни маҳаллий халқ қўлига ўтилишини истар эди. 1917 йил февраль инқилоби Туркистонда сиёсий жараёнларни жадаллашувига ва халқнинг қалбида эркинликка эришиш учун умид пайдо бўлганлигига сабаб бўлган эди. Лекин ҳокимят тепасига келган большевиклар ва солъ эсерлар Туркистон мусулмон аҳолисининг ўлкани бошқаришга бўлган ҳуқуқини инкор қилганидан сўнг ҳокимят тўғрисидаги масалани келишувчанлик йўли билан ҳал қилишнинг имкони йўқлигини тушуниб етдилар. Ҳокимятни ерли халқлар ўз қўлга олиши учун кураш олиб бориш зарурлигини англаган. “Марказий Шўрои Исломия” ташкилоти ҳокимят масаласини ҳал қилиш учун мустақил ҳаракат қила бошлади. Уларнинг Тошкентдаги фаолиятини Қўқонда давом эттирдилар. Бу ташкилот фаолиятида 1917 йил 26-29 ноябрда Қўқонда бўлиб ўтган Туркистон ўлкасининг Мусулмонлари фавқулотдаги 4-курултойи катта аҳамиятга эга бўлди. Қурултойда 200 дан ортиқ вакиллар қатнашди. Улар ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик, рус, татар, яхудий ва бошқа миллатларнинг вакиллари эдилар.¹⁹

Қурултой вакиллари таркибида турли миллат вакилларининг борлиги бу ташкилот фақат ўзбекларнинг эмас, шу ерда яшаётган барча миллат ва вакилларининг манфаатларини ҳисобга олганлигини билдирар эди. Қурултойнинг кун тартибида қуйидаги масалалар қўйилган эди: 1. Ўлкани бошқариш шакли; 2. Туркистоннинг “қазақ ашарлари ” “Кавказ тоғликлари ва эркин чўл одамларининг жануби- шарқий иттифоқи (ЮБС)”га кириш масаласи; 3. Ижроия қўмитани сайлаш, унга бериладиган топшириқлар; 4. Туркистон марказий мусулмонлар шўросини қайта сайлаш; 5. Бугунги

¹⁹ЖўраевН, Каримов Ш. “Ўзбекистон тарихи” Т.:2011й 426.

аҳвол; 6. Туркистон таъсис мажлиси; 7. Милитсия; 8. Молия ва бошқа масалалар.²⁰

Курултойга йиғилганларнинг мақсади Туркистонни мухтор республика деб эълон қилиш, маҳаллий ҳалқларнинг диний ва миллий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакат тақдирини, келажагини, ички ишларини ҳалқнинг ўзи белгилаши учун миллий ҳукумат тузиш эди.

Курилтойда сўзга чиққан вакиллар Туркистонга мухторият мақоми берилишига қаршилик кўрсатаётган болшевикларнинг сиёсатини қораладилар ва ўзларининг кескин танқидий фикрларини билдирдилар.

Жумладан, “Собир Юсупов ўзи большевиклар партиясига мансуб бўлганига қарамай, Россиядаги ва Туркистондаги воқеалар тўғрисида, айниқса, большевикларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари, зўравонликлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. С. Юсупов курултойга қарата Туркистон Мухторият ҳуқуқини олишга ҳозир тайёirmi?” деган саволни ўртага ташлайди ва ўзи жавоб қайтаради: “Албатта тайёр эмас, лекин, бундай мухторият эълон қилишимиз лозим деган ҳулосага бормаслик лозим. Озод яшашни ҳохлайсизми? Демак, Туркистон мухтор жумҳурият деб эълон қилинмоғи керак.”²¹

Курултойда қўйилган масалалар жуда қизғин мунозара ва тортишувлар билан муҳокама қилинди. Ҳар бир фикр, ҳар бир миллат манфаати ҳисобга олинди ва нихоят уч кунлик мунозалардан сўнг вакиллар Туркистоннинг сиёсий тузуми қандай бўлиши ҳақида қатъий бир фикрга тўхталдилар.

27-куни соат 24.00да икки киши қарши бўлиб қабул қилинган қарорда жумлана шундай дейилади: “Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даваат этган ҳалқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни федератив Россия Республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилди, шу билан бирга мухториятининг қарор топиши шакиллари

²⁰ЖўраевН, Каримов Ш. “Ўзбекистон тарихи” Т “шарқ” 2011 й 436.

²¹Ўша манба 43-44б.

Тасис мажлисига ҳавола этади”. Шундан кейин съезд –“Туркистонда яшаб турган миллий озодлик, аҳоли ҳуқуқларининг муттасил ҳимоя қилинишини тантанали равишда эълон қилади.”²²

Шунингдек қурултой муваққат аъзоларидан ҳукумат тузилиши ва унинг таркиби 12 кишидан иборат бўлишини белгилаб берди. Ҳалқ мажлиси таркиби 54 номоздан иборат бўлиши кўрсатилди. Ҳалқ мажлисининг ўринларидан учдан бир қисми 18 киши европа миллатига мансуб ҳалқ миллат вакилларига ажиратилди.²³ Шунинг ўзи ҳам мухториятчиларнинг адолат ва демократия тамойилларига мос ҳолда фаолият юритганлигини кўрсатиб беради. Ўлкада яшаётган европа миллатига мансуб ҳалқларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳурмат билан муносабатда бўлишини кўзда тутган эди. Бу ҳозирги кун демократик тамойилларига ҳам мос келади.

Қурилтой ўз фаолиятини тўхтатиб 28 ноябр “Туркистон мухторияти” тузилганлигини эълон қилди. Ҳокимиятни эса Тасис съезди чақирилганига қадар Туркистон Муваққат Кенгаши Туркистон Ҳалқ Мажлиси қўлида бўлиши таъкидланди. Муваққат Кенгаш таркиби 12 кишидан иборат этиб белгиланди. Унинг 8 нафари маҳаллий ва 4 нафари европа миллатига мансуб аҳоли вакилларидан иборат бўлиши белгилаб қўйилган.²⁴

Қурултой иқтисодий масалаларни ҳам эътибордан қолдирмади. Чунки, бу вақтда ўлка ҳалқларининг ҳаёти жуда оғир кечаётган эди. Шунинг учун қурултойда Англия ҳукуматидан ҳарбий ёрдам ва иқтисодий ёрдам олиниши таъкидланди. Буни ўлкада ҳуқум сураётган очлик тақозо этар эди.

Мухторият эълон қилинган кундан бошлаб, омма ўртасида ўзининг сиёсий фаолиятини авж олдирди. Туркистон ҳалқлари ҳам мухториятни қўллаб қуватлади, митинглар, йиғинлар уюштирилди. Бу митинглар тинч ва фақатгина ҳалқ ўзининг мамнуниятини ифодалаш учун турли шиорлар билан ўтказилар эди.

²²Ўзбекистоннинг янги тарихи 2-китоб “Совет мустамлакачилиги даврида” “Шарқ” Т.- 2000й. 526.

²³ЖўраевН, Каримов Ш. “Ўзбекистон тарихи” Т. 2011й “Шарқ” 44б.

²⁴Уша манба 526.

1917 йилнинг 6 декабрида Тошкентдаги Жоме Масжидда ўтказилган митингда жами 60минг киши қатнашган эди. Митинг қатнашчилари мухториятни бир овоздан мақулладилар.²⁵

1 декабрда Наманган уездида 100 мингга қадар киши иштирок этган, намоёиш бўлиб ўтди. Унда намоёишчилар байроқларига “яшасин мухториятли Туркистон ва унинг ҳукумати” деб ёзилган сўзлар хилпираб турар эди. 6-декабрда Жалолобод волостида қарашли Ҳонобод қишлоғида ҳам мухторият эълон қилиши муносабати билан намоёиш ўтказилди.²⁶

Туркистон мухториятининг тузилиши ва унинг халқ орасида кенг қўллаб қуввланиши Бولшевикларни ташвишга солди албатта. Улар гўёки ўзларини мухториятга хайрихоҳ қилиб кўрсатдилар, лекин аслида бу ҳукуматни йўқ қилиш чораларини қидирар эди. Улар бу мақсадларига эришиш учун дастлаб, очикдан очик кураш олиб боришдилар. 13 декабр “Туркистон мухториятининг миллий жамғармасига пул йиғиш куни” муносабати билан ўтказилган митинг вақтида омма орасига бир неча бузғинчилар қўшилди. Ана шу бузғинчи гуруҳлар намоёишчиларни собиқ муваққат ҳукумати комиссари Г.И. Доррерни ва бошқа кишиларни қамоқдан озод этишга чақирди. Уларнинг сўзлаган оташин нутқлари йиғилганларнинг бир қисмини таъсирлантирди ва бир гуруҳ митинг қатнашчилари оммадан ажиралиб қамоқхона томон юра бошлайди. Доррер ва Ивановестни қамоқдан озод қилишга эришади. Солдатлар уларни йўлини тўсганларида оламон орасидан бир неча ўқ отилади ва икки орада отишма бошланиб кетади. Натижада 16 киши ана шу тўқнашув қурбони бўлади. Доррер ва Ивановест эса болшевиклар томонидан отиб ташланади.²⁷

Воқеалар жараёнига этибор билан назар ташлайдиган бўлсак, бу жараёнларнинг атайлаб уюштирилганлигини сезиш қийин эмас. Чунки омма фақатгина тенг номойишни байрам тарзида нишонлашга йиғилган эди.

²⁵Ўзбекистоннинг янги тарихи 2-китоб “Совет мустамлакачилиги даврида” “Шарқ” Т.- 2000й. 52б.

²⁶Ўша манба. 57б.

²⁷Ўша манба. 60б.

Бу Туркистон мухториятига нисбатан уюштирилган дастлабки ҳаракат эди. Туркистон мухторияти шундай оғир вазиятда бўлишига қарамай ўз фаолиятини мардонавор давом эттиришга ҳаракат қилди.

Туркистон мухториятига муносабат тўғрисидаги масала 25 декабр куни Қўқонда ўз ишини бошлаган мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг 1- фавкулотда сёзди Туркистон мухторияти вақтли ҳукуматини қўллаб қувтлашга қарор қилишди. Қрултой 27 декабрда Петроградда халқ камиссарлари совети раисига телеграмма йўллаб, Туркистон мухториятини эътироф этиш, унинг тўлақонли фаолият кўрсатишга изн беришни сўрайди.²⁸

Лекин минг афсуски бутун бир ўлка халқларининг ҳошиш иродаси, орзу умидлари, улар истаган талаблари қондирилди. Бу телеграммага жавобан ҳеч қандай ёрдам ва ижодий иш қилинмайди. И.Б.Сталин 1918 йил 5 январда бу хатга жавобан “Тошкентдаги Совет комиссариатини йўқ қилиш ҳақида Петрограддаги мурожат қилишнинг ҳожати йўқ, агар комиссариатни истамасангиз уни куч билан йўқотинг” маъносидаги хабар юборди.²⁹

Сталин бу хатни атай ин юборган эди. Чунки, у мухторият қўл остида ҳеч қандай куч йўқлигини яхши билар эди. Тошкентдаги Совет ҳукумати эса Туркистон мухториятининг йўқ қилиш учун ҳаракат қила бошладилар.

Мухториятнинг ўз-ўзини етарли даражада ҳимоя қилиш имкониятига эга эмаслиги, қолаверса, унинг ўз ичида бўлиниш юз бериши Тошкентдаги Совет ҳокимиятининг ҳарбий кучларига муносиб қаршилиқ кўрсата олмаслигига сабаб бўлди. Туркистон Совет ҳукумати 1918 йил 14 февралда Фарғона вилояти ҳудудида фавкулотда ҳолат элон қилди. Унинг Қўқондаги маҳаллий ҳокимияти ишчи ва аскар депутатлари совети 17 февралда Мухторият вакиллари таъслим бўлишига дават қилди. Айни ватда Тошкентда Парфилов бошчилигида ққурулланган қизил қўшин олиб келинди ва улар дарҳол ишга солинди. Айниқса, 21 феврал кунлари Қўқон халқи

²⁸Усмонов.Қ. Содиков М. “Ўзбекистон тарихи (1917-1991)” Т. “Шарқ” 2011.й. 206.

²⁹Ўзбекистоннинг янги тарихи 2-китоб “Совет мустамлакачилиги даврида” “Шарқ” Т. 2000й. 63б.

устига бало қазо ёғилди. Уйлар ўт ичида совет ҳокимяти томонидан Туркистоно мухторияти шафқатсизларча тор-мор этди.³⁰

Шунда қилиб, Совет ҳукумати халқларга “ўз тақдирини ўзи белгилаши” ҳуқуқини берамиз дея жар солиб, баланд парвоз вадалар бергшан бўлсада, Туркистон халқининг ўз эрки, озодлигини қўлга киритиш учун олиб борган ҳаракатлари ва талабларига жавобан зўрлик ва шавқатсизлик билан илк давлатчилик учун кадаимни бостирдилар. Миллий мухторият бор йўғи 72 кун яшади холос!

³⁰Усмонов.Қ. Содиков М. “Ўзбекистон тарихи (1917-1991)” Т. “Шарқ” 2011.й. 216.

Хулоса

Ўрта Осиёнинг Чор Расияси томонидан босиб олишидан сўнг ўлкада ўрнатилагн мустамлакачилик сиёсати натижасида халқ бошига жуда оғир кунлар солинди. Ватанимиз бойликлари таланди, миллий урф-одат, анъаналари оёқ ости қилинди. Маҳаллий халқ меҳнати эксплуатация қилинди. Ўлкада барча соҳалар Чор Россияси манфаатларига бўй сундирилди.

Чор Россиясининг адолатсиз ва зулмкор сиёсатидан норозили кучайиб борди ва миллий озодлик ҳаракатлари авж олди.

XIX аср охири XX аср бошларига келиб, Туркистон ўлкасида жади́дчи́лик ҳаракати кенг қулоч ёйиб, ривожланди. Жади́дчи́лик ҳаракатининг номоёндалари илмми, маърифатпарвар, шахлар бўлиб, ватанни эркинликка олиб чиқиш учун аввало халқнигн илмсизлик батқоғидан олиб чиқиш зарур деб ҳисоблаганлар. Шу мақсадда ўлка халқлари учун мактаблар, театрлар, газета, журналлар ташкил этилганлар ва шу йўл орқали халққа ўзлигини англашга, дунёни тушунтиришга, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашмоғи зарурлигини тушунтиришга ёрдам берганлар.

Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Махмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдурауф Фитрат каби бир қатор жади́длар етакчилари сай ҳаракатлари билан янги усул мактаблари очилиб, халқнинг саводхонлиги ортди, театрлар ташкил этилди ва у орқали ҳақиқат ва ёлғон, адолат ва қабохат, оқ ва қора орасидаги фарқни англашга ўргатилди.

Жади́дларнинг сай ҳаракатлари билан халқнинг онги, дунёқараши аста секин ўсиб борди, эркинлик озодликни қўлга киритиш зарурлигини тушуниб етди.

“Шўрои Исломия”, “Шўрои Уламо” каби миллий, ижтимоий ташкилотлар вужудга келди. Бу ташкилот аъзоларининг сафи тобора ортиб борди. Улар ўз эрки мустақиллигини талаб қила бошладилар. Лекин минг афсуски, Чор Россияси ҳукумати раҳбари ҳам ва ундан сўнг ҳокимят

тепасига келган болшевиклар ҳам Туркистон халқининг Талаб ва истақларини ҳисобга олмадилар. “Ҳар бир халқ ўз тақдирини ўзи белгилашга ҳақли” дея жар солган большевиклар миллий давлатчилигимизнинг илк қадамларини қўйган туркистон мухториятини шавқатсизларча йўқ қилди. Қўқон шаҳрининг кулини қўққа совирдилар. Минглаб бегуноҳ халқ қурбон бўлди. Зеро юртбошимиз ўз нутқларида кўп такидлаб ўтгандек “бу мустақиллик, озодлик бизга ўз ўзидан насиб қилган эмас. Бу йўлда жуда кўп инсонларнинг, ватан ўғлонларининг қони тўкилган”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И. А “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” – Т.: “Ўзбекистон” 1998й.
2. Каримов И. А “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз” – Т.: “Ўзбекистон” 1999й.
3. Каримов И. А “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” – Т.: “Ўзбекистон” 1992й.
4. Каримов И. А “Юксак маънавият –енгилмас куч” – Т.: “Маънавият” 2008й.
5. Каримов И. А “Бунёдкорлик йўлидан” – Т.: “Ўзбекистон” 1996й.
6. Каримов И. А “Ўзбекистон мустақилликга эришиш оstonасида” “Ўзбекистон” 2012й.
7. Аъзамхўжаев С. “Туркистон Мухторияти” – Т.: “Фан” 1996й.
8. “Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида”, “Ўзбекистоннинг янги тарихи” Т- “Шарқ” 2000-йил.
9. Усмонов Қ.Содиқов М, “Ўзбекистон тарихи” - Т.: 2011й.
- 10.“Жадидчилик- ислохот, янгиланиш мустақиллик ва тараққиёт учун кураш” Т.: “университет” 1999й.
11. Аъзамходжаев С. “Туркистон мухторияти” - Т.:“Ўзбекистон” 1996й.
- 12.Алимова Д, Голованов А, “Ўзбекистон совет мустабит тузуми даврида сиёсат ва мафкуравий таъзийик” .
13. Шамсиддинов Р. ва бошқалар “Ўзбекистон тарихидан материаллар” (3-китоб) “Андижон” 2004й.
- 14.Шамсуддинов Р.Расулов Б. “Туркистон мактаб ва мадрасалари”
15. Ражабов Г. Хайдаров Н. “Туркистон тарихи” (1917-1924-йил)
- 16.Қосимов Б ва бошқалар “миллий уйғониш” -Т.: “Университет” 1993й.
17. Абдурахимова Н А, Эргашов Ф Р, “Туркистонда Чор мустамлака тизими” - Т.: Академия 2002й.
- 18.“Мустақиллик изохли илмий оммобоп луғати” Т.- “шарқ” 2006й.
19. Дилором Аъзамовна Алимова, Рахмон Хикиматович Каримов. “Ўзбекистон тарихи” – Т.: 2004й.
20. Ражабова Р.Э. “Ўзбекистон тарихи” – Т.: “Ўқитувчи” 1994й.
- 21.Шарипов Р. Бобоев Х. “Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан” - Т.: “Ўқитувчи” 2002й.